

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА МАШФУЛОТЛАРДА  
МЕҲМОНДОРЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Умаров Раҳим Тожиевич

А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси доценти,  
Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада ўқувчиларга Технология фани бўйича машғулотларда меҳмон кутиш, меҳмоннинг хурматини жойига қўйиш ва уни эҳтиром билан кузатиб қўйишдек муҳим масалаларга эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** тўй, тантаналар, меҳмондорчилик, анъаналар, меҳмон.

\*\*\*

**Аннотация:** В статье рассматриваются такие важные вопросы, как гостеприимство, уважение и уважительное наблюдение госте учащимися в занятиях по технологическому обучению.

**Ключевые слова:** свадьбы, церемонии, гостеприимство, традиции, гость.

\*\*\*

**Annotation :** The article focuses on important issues such as hospitality, respect, and respectful supervision of students in Technology education.

**Key words :** weddings, ceremonies, hospitality, traditions, guest.

Узоқ ўтмишдан бугунги кунгача етиб келган шарқ халқларининг жумладан, ўзбек халқларининг ўзига хос удумлари ва анъаналари бўлиб, улар жумласига тўй ва тантаналар, маросимлар, меҳмондорчиликлар ҳамда бошқалар киради. Айниқса бу удумларимиздан меҳмондорчилик одобларини ёшларимиз онгода шакллантириш ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Мақолада мактабларда ўқитиладиган Технология фани бўйича амалий машғулотларда ўқувчиларнинг меҳмондорчилик бўйича амалий кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилган.

Умумий ўрта таълимнинг Технология фанидан давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган фан дастурига кўра 9-синфда ўқитиладиган Технология фани “Сервис хизмати” йўналишининг (Касб танлашга йўналтириш бўлимида) Рўзгоршунослик асослари қисмида “Дастурхон тузаш қоидалари. Мехмон кутиш одоби” (1 соат ажратилган) мавзуси киритилган. Шу мавзуни ўтиш жараёнида фан ўқитувчилари Мехмондорчиликка оид келтирилган маълумотлардан машғулот давомида фойдаланишса мақсадга мувофиқ бўлади. Фан дастурида Мехмондорчиликка доир машғулотларга назаримизда кам вақт ажратилган. Чунки бу отабоболаримиздан бизгача етиб келган асосий қадриятларимиздан хисобланади.

Дастлаб, ўқувчиларга Мехмондорчилик одатда меҳмонни кутиш, унинг хурматини жойига қўйиш, унга муносиб дастурхон тузаш (миллатига, мавқейига, ёшига ва жинсига қараб) ва уни эҳтиром билан кузатиб қўйишдек муҳим тадбирлардан иборат эканлиги тўғрисида тушунчалар бериш лозим. Мехмон дегани форсий тилдан олинган бўлиб “меҳмон” - “ташриф буюрувчи” деган маънони англатади. Мехмон деб аслида, бошпана, егулик ва ичгулик билан таъминлашингиз учун уйингизга мусоғир ҳолда вақтинча нозил бўлувчи кишига айтилади. Мехмонларни қуидаги гурӯхларга ажратиш мумкин:

-тўй, зиёфат ва шу каби муносабатлар билан йўқлаб келган (борган) шахслар;

-мажлис, йиғилиш, кенгаш ва шу кабиларга четдан чақирилган шахслар;

-четдан ташриф буюрган, вақтинчалик келган шахслар;

-янги туғилган ёки туғиладиган чақалоқ (янги меҳмон).

Халқимиз меҳмон келишини кўпгина яхшиликларнинг рамзи деб билади. Мехмон келганда у билан ҳол-аҳвол сўрашиб, самимий сухбатлашади. Узок яқиндаги дўст-биродарлар эсга олинади. Мехмон мезбонга қариндош-уруғ ва дўстларнинг илиқ муҳаббати ҳамда саломини

етказади. Халқ ҳикматларидан бирида шундай дейилади: “Меҳмон душманинг бўлганда ҳам ҳурматини жойига қўй. Ҳатто қўлида болта тутган дарахт кесувчига ҳам дарахт соя солиб туради”. Шунинг учун бўлса керак-да, бир хонадонга келган меҳмон олдинлари у ҳовлидан бу ҳовлига чақирилиб, унга иззат-икром қўрсатилар эди (бу удумлар бугунги кунга келиб ниҳоятда камайиб кетди ёки бўлмасам амал қилинмай қўйилди). Бу ҳам бежиз эмас, чунки бегоналар меҳмон туфайли танишишиб, бир-бирларини яқинроқ билиб олиш имконига эга бўлишади. Зиёфат, яъни меҳмоннавозлик ва меҳмон кутиш олийжаноб хулқлардан бўлиб, фозил кишилар бу нарсага қадим-қадимдан бери амал қилиб келадилар.

Шарқ оламида илмий-тарбиявий ва педагогик томондан китобхонлар диққатини жалб қилган муҳим асарлардан бири – Кайковуснинг 1082-1083 мелодий, 475 ҳижрий йилларда яратилган “Қобуснома” асаридир. Кайковуснинг бу асари ўғли Гilonшоҳга бағишлиланган панду-насиҳатлардан иборатdir. “Қобуснома” 44 бобдан иборат бўлиб, улардан тўрт боби диний тавсифdir, колган 40 боби ҳаётий воқеаларни ифода этади. Унинг бир боби “Меҳмон олмоқ ва меҳмон қилмоқ зикрида” деб номланиб, унда ўз замонасининг меҳмондорчилик урф-одатлари билан боғлиқ ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Улар қуидагилардан иборат бўлиб, айримларини келтириб ўтамиш:

“Ҳар вақт меҳмонларинг уйинга оёқ қўйсалар, сен барча одамларинг билан уларнинг олдига чиқгил ва яхши сўз билан мулоқат қил, то улар сенинг шукрингни айтсинлар. Агар мева вақти бўлса, таом емасдин аввал мева келтурғил то баҳузуридил есунлар.

Бир замон таваққуф қил ундан сўнг барча одамларни ўлтурғуз ва ўзинг ўлтурмағил, токи барча меҳмонлар иттифоқ билан есунлар. Меҳмонлар бир-икки сўрамагунча сен ўлтурма. Улар ўлтиргил ва бизларга мувофақат қил (бизлар розимиз) десалар, сен айтгилким: “мени қўйинглар, то сизларга хизмат қилғумдур”. Агар яна такрор таклиф қилсалар, ундин сўнг ўлтиргил ва уларга мувофақат кўргузғил, аммо ҳаммадан пастда ўлтиргул.”

У фарзандига яна шундай қўшимча қиласди: “Эй фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар кишиникига меҳмон бўлиб боравермағил, чунки ҳашамат шавкатинга зиён еткарурсан. Агар меҳмон бўлиб бир ерга борсанг, қўп оч бўлиб бормағил ва тез юриб бормағилким, таом емакдин маъзур бўлиб ўлтирсанг, мезбон озор топор. Агар таомни қўп есанг, халқнинг қўзиға ёмон кўринур. Шунинг учун мезбоннинг уйига кирсанг ўзинга муносиб жойга ўлтурғил. У гарчи ошно кишингни уйи бўлса ҳам таом ва набизнинг устида корфармолик қиласди, яъни мезбоннинг хизматкорлариға: “Эй фалончи, бу уй менинг ўз уйимдир ва табакни у ерга қўйғил, ўзгаларнинг таом ва косасига қўл урмағил” - демағил. Ўз чокарларингга зулолни олиб бормағилким, дебдурлар, меҳмоннинг уйидан нарса олиш уят”.

Халқимиз меҳмондўстлиги, меҳмоннавозлиги билан шухрат қозонган. Бирор ўзбек хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйидаги бор неъматларни дастурхонга келтириб тўкмаган бўлса. “Меҳмон – отангдан улуғ”, “Меҳмон келар эшиқдан, ризқи кирап тешикдан”, “Меҳмон олдида ҳатто мушугингни пишт дема” каби мақол ва ҳикматлар бежизга айтилмаган.

Ҳар қандай баджаҳл мезбон ҳам, меҳмон олдида мулојим, хуш тавози бўлишга ҳаракат қиласди. Ота-боболаримиздан қолган яхши одатлардан бири шуки, меҳмон келган уйда ўшқириб гаплашиш, шовқин солиш, унинг хузурида ади-бади айтишиш, уришиб қолиш уёқда турсин, кесатиб гапириб ҳам бўлмайди. Оила аъзоларининг, ўз боласини ҳам жеркиши уят ҳисобланади, ҳатто мушукни пишт дейиш, чироқни пуфлаб ўчириш мумкин эмас, чунки сал нарсага меҳмоннинг кўнгли озор топиши мумкин. Унга озор бермасликка интилиш эса одамларни қовуштириб меҳр-оқибатли қиласди, дўстлик ва биродарликни келтириб чиқаради, оилада бир-бирига меҳрибонлик, севги-мухаббатни янада кучайтиради.

Меҳмон келиши озодаликка ва шахсий покликка ҳам сабабчи бўлади. Бетартиб жойлар тартибга келтирилади. Уй-жой, ҳовли ва кўчалар тартибга солиниб, супирилиб, сув сепилади. Идиш-товоқларини ва барча уй

анжомларини аввалгидан ҳам озодароқ тутишга ҳаракат қилинади. Мехмон ҳам, мезбон ҳам ораста кийиниб оладилар. Тутилмаган буюмлар меҳмон келган кундан бошлаб ишга солинади. Хуллас меҳмон келган уйнинг чироғи равшан ёнади.

Мехмон қутишда Республикализнинг турли худудларида ўзига хос одатлари бор. Хорижий давлатлардан юртимизга келган меҳмонларга хизмат қилишда миллий тоамларимиз билан меҳмон қилишдан ташқари уларнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос одатлари, удумлари, қоидалари, анъаналари борки буларни ҳисобга олиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда ўтмишдан то шу кунгача ота-бобларимиздан бизгача етиб келган йиллар давомида сайқалланган удум ва анъаналаримиздан бири бўлган меҳмондорчилик маданиятини ёшларимиз онгига сингдириш ва уларда меҳмонларни қутиш ва кузатиш кўникмаларини шакллантириш ишларини оиласда ва таълим муассасаларида тўғри ташкил қилиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бугунги кундаги ёши улуғ кишилар буни асло ёдидан чиқармаслиги лозим. Акс ҳолда маълум бир вақтлар келиб бу анъана ва удумларимиз унутилиб кетиши мумкин. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фан дастурларида, айниқса Технология фанининг сервис хизмати бўйича фан дастурида меҳмондорчиликка ажратилган дарс соатлари етарлича эмас, шунинг учун ҳам қўшимча дарс соатлари киритилса айни муддао бўлар эди.

### Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилди, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2020
2. Кайковус. Қобуснома, Тошкент. “Ўқитувчи”. 1986
3. Махмудов К. Мехмоннома. Тошкент. “Ёш гвардия”, 1989. 240 б.
4. Маҳкамов Улфат. Ахлоқ-одоб сабоқлари, Тошкент. “Фан”. 1994.136

5. Собиров А.А. Мөхмөн кутиш одоби. “Хидоят” журнали 2011 йил, 7-сон.